



“ДЕВОНИ ЖАЛИЛИЙ” ТАВСИФИ ВА ШЕЪРЛАРИДАН НАМУНА ФАЙЗИЕВА САЛИМАХОН

Филология фанлари номзоди, ТошДШИ хузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги ШҚМ

Аннотация. Мақолада ТошДШИ хузуридаги Шарқ қўлёзмалар маркази асосий фондида сақланаётган Жалилий девонининг тавсифи келтирилиб, унинг шеърларидан намуналар илк бор илмий истифодага киритилмоқда. Ижодкор таржимаи ҳолига тегишли деб тахмин қилинган маълумотларнинг қиёсий талқини тақдим этилган.

Таянч сўз ва иборалар: девон, тавсиф, ғазал, қўлёзма, хат, саҳифа, қозғоз, шеърлар.

Аннотация. В статье приводится описание рукописи “Дивани Джалили”, хранящийся в основном фонде Центра восточных рукописей при ТашГИВ. Впервые образцы из стихов Джалили вводятся в научный оборот. Приводится сравнительная интерпретация сведений, предположительно имеющих отношение к его биографии.

Опорные слова и выражения: сочинение (сборник), описание, газель, рукопись, письмо, страница, бумага, стихи.

Abstract: The article presents a description of the “Divani Djalili” manuscript which is kept in the holdings of the Center of Oriental Manuscripts under the TashSIOS.

Specimens of Djalili verses are introduced into scientific use for the first time. In terms of comparison, the information presumably related to the biography of Djalili is interpreted in the article.

Keywords and expressions: divan, description, ghazel, manuscript, script, page, paper, poems.

2015 йилдан бошлаб Шарқ қўлёзмалар марказида “Тошкент давлат шарқшунослик институти хузуридаги Абу Райҳон Беруний номи Шарқ қўлёзмалари маркази (асосий) фондидаги филологияга оид қўлёзмаларни илмий тавсифлаш” номи амалий лойиҳа бажарилмоқда. Таъкидлаш жоизки, марказ хазинасида сақланаётган манбаларнинг катта қисми филологияга оид бўлиб, улардан маълум қисмининг тавсифи СВР (“Собрание восточных рукописей”/“Шарқ қўлёзмалари тўплами”) кўптомлик каталогида, Ҳ.Сулаймон номидаги фонд каталогида (“Каталог фонда института рукописей”/ “Қўлёзмалар институти фонди каталоги” – КФИР) мавжуд¹, Германиянинг Герда Хенкел фонди ло-

йихаси доирасида бажарилаётган электрон каталогга киритилмоқда.

Бирок “Шарқ қўлёзмалари тўплами” ҳамда “Қўлёзмалар институти фонди каталоги”-да қўлёзма таснифига эътибор қаратилгани ҳолда қўлёзманинг боши ва охиридаги матндан парча берилмаган, айрим кодикологик, палеографик хусусиятларга оид саволлар очик қолган. Баъзи қўлёзмаларнинг мазмуни ифодаланмаган, колофон матни аксарият ҳолда келтирилмаган.

Герда Хенкел доирасида бажарилаётган электрон каталогда кодикологик ва палеографик хусусиятларга оид кенг камровли кўплаб саволларга қисқа, аниқ жавоблар берилгани ҳолда, асарлар мазмунига кўра таснифланиб, умумлашма ном остида берилган.

¹ Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (СВР) / Под ред. А. А. Семёнова. Т. I. – Т., 1952; СВР / Под ред. А.А.Семенова. Т. II. – Т., 1954; СВР / Под ред. А. А. Семенова. Т. V. – Т., 1960; СВР / Под ред. А. А. Семенова, Д. Г. Вороновского. Т. VI. – Т., 1963; СВР / Под ред. А. Урунбаева, Л. М. Епифанова. Т. VII. – Т., 1964; СВР / СВР / Под ред. А. А. Семенова, Д. Г. Вороновского. Т. VIII. – Т.,

1967; СВР / Под ред. А. Урунбаева, Л. М. Епифанова. Т. IX. – Т., 1971; СВР / Под ред. Д. Г. Вороновского. Т. X. – Т., 1975; СВР / Под ред. А. Урунбаева, Р. Джалиловой. Т. XI. – Т., 1987; Каталог фонда института рукописей. / Подг. Ф. Ганиходжаев. Т. I. – Т., 1989; Каталог фонда института рукописей. / Подг. Ф. Ганиходжаев. Т. I. – Т., 1988.



Масалан, филологиянинг девон, баёз, ғазалиёт, қасоид, рубоийёт каби йўналишлари умумлаштирилиб, “шерият/поэтика” деб номланган бўлса, шариат, ҳадис, фикҳ, мазҳаб, намоз каби соҳалар қидиришга осон бўлиши учун илоҳиёт, дин, фикҳ, фуруъ ал-фикҳ каби калит сўзлар орқали берилган ва ҳ.к.

Ҳозирда яратилаётган филологияга оид асарлар каталогида эса СВР ва Герда Хенкел лойиҳаси асосида яратилаётган каталогларнинг ўзига хос хусусиятларини мужассамлашга ҳаракат қилинмоқда. Лойиҳанинг биринчи қисмида Шарқ қўлёзмалар маркази асосий фондида сақланаётган девонлар тавсифини яқунлаш мақсад қилинган.

Тавсифлаш жараёнида СВРда мавжуд бўлмаган, бизнингча, ҳали илмий истифодага киритилмаган Жалилий девони тавсифи амалга оширилди.

Қўлёзма Марказнинг асосий фондида 4325 ашё рақами билан сақланади. Девон 1а-170б саҳифаларидан ўрин олган. Тахминан, XVII асрда туркий тилда насх аралаш настаълиқ хатида новвотранг Шарқ қоғозига ёзилган. Матн ҳар саҳифага асосан икки устун, 13 қатордан жойлаштирилган. Жигарранг чарм муқовасига турунж ва лола нақшлари туширилган. Қўлёзма ўлчами 23х13,5. Девоннинг боши ва охири сақланмаган. Матн 1б варақда “Рўзу шаб” радифли шеърнинг маълум қисми билан бошланиб, 170б бетда “мўътабар” радифли рубоий билан яқунланади. Кейинги саҳифалар қайчида кесиб олинган. 6б, 7б, 66б, 117б, 133б-саҳифаларда пойгирлар изчиллиги бузилган. Қўлёзманинг кўп қисмида сув доғлари мавжуд. Сақланиши ўртача.

Қўлёзманинг 171а-197б саҳифаларида ислом дини ва тасаввуфнинг айрим асослари ҳақида маълумот берилган. 171а-183б бетлари кейинроқ таъмирланган, саҳифаларнинг атрофига Қўқон қоғози елимланиб, қўлёзма ўлчамига мосланган. 184а-200б саҳифалари яхши охорланган Қўқоннинг новвотранг шалдирок қоғозидан иборат. 185а-189б варақда 1277/1860, 197б варақда 1284/1867 сана қайд этил-

ган. 198б саҳифада гўзал настаълиқ хатида битилган форсча рубоий келтирилиб, унинг тагига مشق عبدالجلیل ضیائی – “Машқи Абдулжалил Забёний” сўзлари (охирги сўз тахминан ўқилди) ёзилган. Девондан кейинги саҳифаларидаги матнлар настаълиқ хатида ёзилган, бироқ услуби ҳамда қайд этилган саналарига кўра, турли котиб томонидан турли вақтда ёзилган.

Эътироф этиш жоизки, девон тузиш анъанаси даврдан-даврга ўзгариб борган. Дастлабки девонлар асосан лирик ғазаллардан иборат бўлса, кейинги даврларда ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маърифий, диний-тасаввуфий ҳамда фалсафий мазмунни касб этувчи кўплаб адабий жанрларни ўз ичига олган. Айримларида маҳсус дебочалари бўлган, бошқалари эса анъанавий ҳамд, наът ва муножотлардан сўнг бошланган. X–XV асрлардаги девонлар араб ва асосан форс тилларида ёзилган. Девон тузиш принципига тўғри келмайдиган шеърлар эса “Ашъор”, “Мажмуа”, “Ғазалиёт”, “Маснавиёт” “Мураббаъот” каби номлар билан жамланган. XX асрга яқинлашган сари турли баёз ва мажмуаларнинг кўпайиши девон тузиш принципларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Баъзи шоирлар девонлари тузилиши жиҳатидан девонга эмас, мажмуага яқин келган, буткул ўзбек/туркий тилда, тасаввуфий ғояларни талқин этувчи девонлар ҳам вужудга кела бошлаган. Биз таҳлилга тортган Жалилий девони хусусияти ҳам аини шу принципга тўғри келади.

Қўлёзмада Жалилий таҳаллуси билан ижод қилган шоирнинг лирик, фалсафий-дидактик, диний-тасаввуфий-ирфоний мазмундаги жами 279 та ўзбекча шеъри келтирилган. Ундан 260 таси ғазал, қолган 19 таси мураббаъдан иборат. Алифбо тартибида жойлаштирилган ғазаллар қаторида 24–56 мисрани ташкил этувчи мураббаъ жанридаги шеърлар ҳам ўрин олган. Шеърлар алоҳида номлар билан ажратилмасдан кетма-кет ёзилган. Ғазалларда охириги 2 байт бир устунда тагма-таг ёзилиши билан янги ғазал бошланаётгани кўрсатилган. Мураббаъларда бу каби ажратиш йўқ. Уларни радиф такроридангина пайқаш мумкин. Қўлёзманинг 116б–170б



саҳифаларида 2200 мисрадан иборат 550 та рубойи жой олган. Юқорида зикр этганимиздек, алоҳида рубойёт деб алоҳида ажратилмаган. Ҳар бир тўртлик тугал мазмунни касб этади¹.

Қўлёманинг боши йўқолгани сабабли¹ – алиф ҳарфига ёзилган шеърлар сақланмаган, асл нусхасида дебоча бўлган ё бўмагани ҳам ҳозирча номаълум. Шеърларнинг алифбо тартибида берилишида ҳам айрим нокисликлар кузатилади. Хусусан, девонда жарангсиз **پ** – пе, қаттиқ **خ** – хе, ҳамда **ز** – зол ҳарфлари билан тугалланувчи шеърлар ҳам учрамайди.

Энди шоирнинг таржимаи ҳоли масаласига келсак, аввало, девондаги шеърларда муаллиф биографиясига оид маълумотларни учратмадик. Шеърлар мазмунидан муаллифнинг бирон тариқатга мансублиги сезилади.

1556–1630/1650 йилларда Самарқандда яшаган Мутрибий Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарида Жалилий Тошкандий ҳақида маълумот учрайди. Унда қози Собирий муфтийнинг ўғли бўлмиш Жалилий Тошкандий мазкур тазкира ёзилаётган вақтда, яъни 1604–1605 йилларда [мадрасада] таҳсил олаётгани ва яхши шеърлар битиши қайд этилган. Битта форсча рубойи келтирилган². Мазкур рубойи идентификацияси масаласига келсак, Жалилийнинг мавжуд девонига буткул туркий тилдаги шеърлари киритилгани, девоннинг охири йўқлиги сабабли Мутрибий тазкирасида қайд этилган рубойини қиёслашнинг имкони бўлмади.

Абдулла Носировнинг “Тошкентлик олимлар ва шоирлар ҳақида” номли дафтарининг 1-жилдида Абдуҷалил Тошкандий ҳақидаги маълумотда Мутрибий тазкирасидаги маълумотлар такрорланган³. Шунингдек, 4-жилд фикҳристида

бу ижодкор ҳақидаги газета мақоласига ҳавола берилгани ҳолда кўрсатилган саҳифа ва умуман ўша жилдда бу шоир ҳақида нашр этилган мақолани учратмадик⁴. Ҳозирча мазкур мақола қайси газетада, қандай ном билан чоп этилгани ҳам номаълум.

Лекин қўлёмза девоннинг палеографик хусусиятлари, яъни қоғози, хат шакли, шунингдек, шеърларнинг ёзилиш услуби ва мазмуни жиҳатидан XVII асрда яшаб ижод қилган Абдуҷалил Тошкандий қаламига мансуб деб тахмин қилиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Шарқ қўлёмалари маркази (асосий) фондидаги филологияга оид қўлёмаларни тавсифлаш илмда номаълум бўлган ижодкорларнинг илмий истифодага киритилмаган асарларини аниқлашга имкон бермоқда. Бу албатта, келажакда бакалавр, магистрлар учун диплом ишлари, катта илмий ходим-изланувчилар учун докторлик ишларига янги мавзулар сифатида хизмат қилади.

Жалилий шеърларидан намуналар

*Шод кўнглум, эй санам, ҳуснунг намоён ўлғали,
Роҳати жон бўлди ҳосил, васли жонон ўлғали.
Сирда бир ганже эрур зоҳир қилолман элга шарҳ,
Ўзлугумнунг мулки шаҳри токи вайрон ўлғали.
Зоҳидинг зуҳди баройи Ҳақ эмас қасдинда лек,
Дохили жаннат рафиқи ҳури гилмон ўлғали.
Ишқ мавҷи ичра ўлди гарқи ақли жону дил,
Асли жон ўрнига тан мулкинда жонон ўлғали.
Бори дарди дил эмасман, лек муҳтожи даво,
Ёрнинг дарди манинг сийнамда дармон ўлғали.
Заҳми тан олмай турур зарра маломат тийридин,
Нури яздони жон кўнгул устинда қалқон ўлғали.
Васл боғи ичра сайрар мисли булбул жон қуши,
Нолалар бунёд этиб, гуллар гулистон ўлғали.
Бўлди маъно манда боқий у фано ўзлук вужуд,
Ёри ҳамдам ҳамнишин ҳам суҳбати жон ўлғали.
Ғолиб ҳайрат, эй Жалилий, шаш жиҳат мағлубдур,
Ул пари ҳусни тамошосинда ҳайрон ўлғали.*

[ДЖ⁵. 84аб-в.]

* * *

¹ Девони Жалилий. Шарқ қўлёмалар маркази хазинасидаги қўлёмза. Инв. № 4325. 1а–170б-в.

² Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. / форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи И. Бекжонов. – Т., 2013. 162-б; 476-б.

³ Абдулла Носиров. Тошкентлик олимлар ва шоирлар ҳақида / Шарқ қўлёмалар маркази хазинаси. Инв. № 13405. 1-ж, 27-в.

⁴ Ўша манба. 39-в.

⁵ ДЖ – “Девони Жалилий” иборасининг қисқартма шакли – СФ.



Халқ ичра ўзни қилиб марду расо муқаллид,
Тарк этмайин кўнгулдин нафсу ҳаво муқаллид.
Халойиқдин файз олиб, нафси тирик рух ўлуб,
Мақсад йўлидин қолиб тушти қафо муқаллид.
Кўнгли тўла мўру мор, андиша чиндин ҳазор,
Қилди бир иш ихтиёр, кори хато муқаллид.
Йўли фикру ҳаёлат, кори бари залолат,
Қилур элга ҳидоят бўлмай фано муқаллид.
Ҳаё кетиб юзидин, йўқ манфаат сўзидин,
Нур ботин кўзидин бўлгон жудо муқаллид.
Сўхбатда элни бисёр кўрса қилур ғиря зор,
Бўлай дебон эътибор айлар садо муқаллид.
Восил эрни кўрмаган, амринда йўл юрмаган,
“Ман”ликдин айрилмаган кўнгли қаро муқаллид.
Тариқат недур, билмас, манзили ҳою ҳавас,
Дил мурда, марди нокас, зоҳирнамо муқаллид.
Шуҳратиға шод ўлур, қайғудин озод ўлур,
Гунаҳға ёри берур, ёри хато муқаллид.
Расул суннатин тутмай, уружи нузул этмай,
Қилур манзилга етмай жонга жафо муқаллид.
Кўнгли дунёга тўлган, кўз очиб элни кўрган,
Гўёки жони ўлган, тани бақо муқаллид.
Қавлига содиқ эмас, ўзи чин ошиқ эмас,
Ҳақ йўлга лойиқ эмас, аҳли риё муқаллид.
Шайтони нафси ёри, ҳамиша мададкори,
Мудом кору бори суйи сиво муқаллид.
Кўнгул йўлини билмас, тўдаи пою ҳавас,
Мурид аҳлига қилмас дармон ато муқаллид.
Умри ўтуб йўл юрмай, нафъи зарарни билмай,
Кўймас ишин то ўлмай, банди ҳаво муқаллид.
Бар гулу кўру кардур, аблаҳ дунё назардур,
Ўлгунча дарбадардур мисли гадо муқаллид.
Жалилий сўзни кутаҳ қил эмди кўнглунг оғаҳ,
Ҳарчанд бўлса гумраҳ, демас Худо муқаллид.

[ДЖ. 10аб-в.]

* * *

Мани ёр остонинда мисоли бир гадо этмиш,
Қилиб сийнамда рўзи дард, ўзи дармон ато этмиш.
Гирифтори ҳаво бўлгон, пиришон тийра кўнглумни,
Жудо бегоналардин, лек ўзига ошно этмиш.
Ул ойни меҳри пайдо бўлголи жонимда мандин чанд,
Жафо меҳнат машаққат, фитналарни зеру по этмиш.
Ажабким, хонақоҳ аҳли талаттуф умри азиз айлаб,
Халойиқ ичра ўзни порсо, марди расо этмиш.
Хабар йўқ зарра маънидин, вужуди кўҳ янглиғлар,
Ўзун бир неча нодонларга комил муқдадо этмиш.
Келибтур расми одат – ишқ йўлига кирган ошиқ қул,
Тўқуб ёшлар ики кўздин, ялбориб тинмай дуо этмиш.
Ҳидоят – нури Ҳақ тавфиқидур ҳам нисбати муришид,
Ки андин, эй Жалилий, тарки захми мосиво этмиш.

[ДЖ. 33б-в.]

* * *

Десам рози дилим сийнамда бир дарди ниҳоним бор,
Ҳамиша маҳрами жон танда ёри меҳрибоним бор.
Кечадур рўзгорим ёра ҳам улфат бўлуб ҳамроз,
Ҳузурим, роҳатим кўнглумда завқи жонажоним бор.
Халойиқ таън этарлар зарра қилсам ҳолатим изҳор,
Манинг гар бўлса олам Мункар не шак, не гумоним бор.
Тирикдик эй жаҳон аҳли эмасдур анда жон бирла,
Ки жонон ишқида зинда ҳаёти жовидоним бор.
Санга рўзи азал бўлди насиб, эй зоҳидо, жаннат,
Вале ман ошиқи ёрам қачан майли жиноним бор.
Тилимдин муддатидаур бўлди рад ҳарфи каломи лағв,
Ҳадиси ишқ айтурга ҳазорон достоним бор.
Гар ўлсам ҳамнишин дилдора ортар меҳри дил чандон,
Даме бўлсам ҳузуридин жудо юз минг фигоним бор.
Тамаъ жон этма мандин, эй ажал, қилгил умидинг қатъ,
Фано нури ёқибтур буду боримни на жоним бор.
Жалилий даҳраро қилсам агар ҳоли дилим равшан,
Фано шаҳринда бир ҳуш манзили моу маконим бор.

[ДЖ. 11б-в.]

